



“Президент ташрифи нафақат маҳаллани, балки ҳаётимни ҳам ўзгартириб юборди”

2-с.

“Келажакка қадам” дастури орзуларни ҳақиқатга айлантиради

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
12 март,
Чоршанба

Маҳалла

№19
(2243)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Тадбиркорга ер ва кредит олишда қулайлик яратилса...

Тадбиркорлик қилиб, янги иш ўрни яратиш истагини билдирган фуқароларда ер олиш муаммоси юзага кел-япти. Тўйхона қуриб, 20 та иш ўрни яратаман, деганларга кредит фоизи кўплик қиялпти.

4-с.

“Дардини айтмас- са ҳам дарвозаси очилгунча қатнай- верамиз”

Санаторийга йўланма сўраб келувчи фуқаролар анчагина. Аммо кўпчилигининг навбати қишга тўғри келиб қоляпти. Навбатга қўяётганда мавсумни танлаш имкони берилса, яхши бўларди.

6-с.

Меҳр ва ишонч бўлмаса, идоранинг эшиги қоқилмайди

Кўчаларга бириктирилган фаол аёллар қайси оилада жанжал бўлаётгани, келинлари аразлаб кетгани ёки қизлари келгани, дарҳол масъулларга билдирилиши билан оилага кириб бориб, муаммони ҳал этамиз.

7-с.

Муддати ўтган махсулотларни сотиш жоизми?

Вақти ўтган махсулотларни сотиш жоиз эмас. Хар бир соҳани ўз мутахассисларига мурожаат қилинади. Ўша махсулотларнинг фойдаланиш муддатини мутахассислар ўрганиб, белгилаб беришган. Шунинг учун унга амал қилиш мажбурий.

6-с.

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР САМАРАЛИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Маҳаллалар-да аҳолини камбағаллик-дан чиқариш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирок этди.

Мулоқот давомида камбағал оилалар реестрига киритиш жараёни бўйича “маҳалла еттилиги” томонидан йўл қўйилаётган хатолар таҳлил қилинди. Келгусида бу тизимни янада сама-

рали ташкил этиш, ҳар бир “еттилик” аъзосининг электрон тизим орқали маълумотларни тўғри тасдиқлаши бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, ижтимоий шартнома асосида қўллаб-қувватланаётган оилалар фарзандларини мактабгача таълимга, тўғаракларга ва олий таълим муассасаларига жалб қилиш борасидаги имтиёзлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ИМКОНИЯТ

Ташаббусли лойиҳага овоз бериш бошланди

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2025 йилги 1-мавсуми доирасида овоз бериш босқичи бошланди.

Овоз бериш жараёنлари 20 мартгача давом этади.

Фуқаролар ўзларига қулай бўлган усуллардан бири орқали, жумладан:

- “Очиқ бюджет” порталнинг веб-саҳифаси;
- порталнинг мобил иловаси (Android ва iOS);
- телеграмдаги расмий бот ёрдамида овоз бериши мумкин.



Ғолиблар 21 март — Наврўз байрами куни эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, шу вақтгача лойиҳаларнинг энг юқори чегаравий қиймати 1,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, Сенат Кенгаши қарори билан эндиликда туман ва шаҳар бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг энг кам миқдори 15 миллиард сўм, энг юқори миқдори 45 миллиард сўм этиб белгиланди.

МАҲАЛЛАНИ ОБОД ҚИЛГАН “ДОЛЗАРЬ БИР ОЙЛИК”

Жорий йилнинг 10 февралидан — 10 мартга қадар “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари ва “Яшил макон” лойиҳасини ташкил этиш бўйича маҳаллаларда “Долзарб бир ойлик” ўтказилди.

Ойлик доирасида 2 миллион 368 мингдан ортик хонадон, 112 минг 801 та кўчада тозалаш, ободонлаштириш тадбирлари бажарилди. 741 минг 917 та хонадон томорқаси тартибга келтирилди, 888 километр ички йўл асфальт қилинди, 201 километр йўл шағаллаштирилди, 68 минг 498 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди, 1,9 миллионга яқин гул кўчати, 843 мингдан ортик узум-ток кўчати, 9 миллион 499 мингга яқин мевали ва манзарали дархат кўчати экилди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” танлов уч босқичда (туман/шаҳар, ҳудуд ва республика босқичи) ўтказилади. Ғолиблар 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни арафасида тақдирланади.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида маҳаллаларда дархат кўчатларини, хонадонлар ва ички кўчаларга гул қаламчаларини экиш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Иккита тижорат банки ҳамкорлигида 500 тадан маҳаллани узумчилик ва лимончиликка ихтисослаштириш бўйича рўйхат шакллантирил-

ди. Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларига 6 минг тул лимон кўчатлари етказилди. “Сайхун-обод тажрибаси” асосида 164 та тумanning 4 тадан маҳалласига мини трактор ажратилди.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ҳисобидан 79 та йиғин биносига куёш панели ўрнатилди. 2 009 та маҳалла биносининг кадастр ҳужжати расмийлаштирилди, 1 382 таси давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўз биносига эга бўлмаган 993 та маҳаллага 1 майга қадар янги бинолар қуриб берилди.

“КАМБАҒАЛЛИҚДАН ФАРОВОНЛИК САРИ”

13 та туризм маҳалласи ташкил этилади

“2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган.

Қарорга кўра, туризм салоҳияти юқори бўлган 53 та маҳаллада янги туризм хизматлари йўлга қўйилиб, 1,4 минг нафар камбағал оилалар аъзолари даромадлари оширилади. Йилига 2,5 миллион нафар хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш чоралари қўрилади.

Шу билан бирга, туризм салоҳияти юқори 40 та маҳаллада туризм хизматлари ривожлантирилади. Бу жараёнда 121 та туризм хизматлари, 77 та ўқув курсларини, 264 та меҳмон уйи, ўтовли оромгоҳ ва бошқа жойлаштириш воситалари ҳамда 33 та мавсумий кемпинг нуқталарини ташкил этиш режалаштирилган.



Қарорга кўра, Булоқбоши, Бахмал, Ғалаорол, Фориш, Китоб, Шаҳрисабз, Хатирчи, Нурота, Бойсун, Сарисойё, Шеробод ва Риштон туманларида 13 та туризм маҳалласи (туризм қишлоғи) ташкил қилинади.

Эслатиб ўтамиз, айна пайтда республика бўйлаб 20 га яқин туризм қишлоғи (туризм маҳалласи) мавжуд. Жиззах вилоятидаги “Дуоба”, Навоий вилоятидаги “Сентоб”, “Лангар”, Қашқадарё вилоятидаги “Мираки”, Самарқанддаги “Кониш”, “Боғибаланд”, “Терсақ”, Сурхондарё вилоятидаги “Сангардақ”, “Сина”, “Омонхона”, Тошкент вилоятидаги “Овжазсой”, “Эртошсой”, “Чашма”, “Қумушкон”, Наманган вилоятидаги “Нанай”, “Чодақ”, Андижон вилоятидаги “Имом опа” туризм қишлоқлари (туризм маҳаллалари) шулар жумласидан.

Китоб ўқиган бола ўқимагандан кўра кўпроқ тадбирга қодир



7-с.

Кутубхонамизнинг шундоққина рўпарасида менинг бир рақобатдошим бор. У — гўзаллик салони. Кун бўйи кузатиб ўтираман, баъзи аёллар фақат ўзига оро бериб, ўша ердан қайтишади. Айримлари навбат кутиш асносида бирров кутубхонамизга муралаб ўтади. Энг қувонарлиси, айнан китоб ўқиш учун бизнинг масканимизни танлайдиганлар ҳам бор.



Президент Шавкат Мирзиёев 11-13 март кунлари ДАВЛАТ ТАШРИФИ билан Франция Республикасида бўлади.



Хитой Ўзбекистон фуқароларини таълим ва касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИни очади.



Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ЭРКИН САВДО РЕЖИМИ жорий этилди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



КАМХАРЖ, АММО СЕРДАРОМАД

Фарғона шаҳридаги “Бешбола” маҳалласида томорқачилик яхши ривожланган. Айниқса, иссиқхонада қўзиқорин етиштириш бўйича тажриба яратилган. Жумладан, Кува кўчасида яшовчи Абдуллажон Холматов ўз хонадонида “Қўзиқорин етиштириш плантацияси”ни ташкил этган.

Кунни кеча бешболалик тadbиркор Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманида ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

— Амалий семинар тарзидagi тadbирда иштирокчилар А. Холматовнинг илғор иш фаолияти билан таништирилди, — дейди “Бешбола” маҳалласи раиси Расулжон Сайдалиев. — Семинарда Бўзатов тумани масъул вакилларига хонадонда қўзиқорин етиштириш бўйича маълумот берилди. Тadbир давомида қўзиқорин етиштиришни туман миқёсида оммалаштиришга келишиб олинди. Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан тажриба тариқасида 5 та хонадонда қўзиқоринчилик ташкил этилди.

Дарҳақиқат, бу соҳа жуда сердаромад. Экиш усули осон ва содда бўлиб, битта қоп 15 минг сўмга тайёр бўлади. 21 кунда ҳосил беришни бошлайди. Қўзиқорин чиққандан сўнг 2 ойда 3 маротабагача териb олиш мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛМАЙ ТУРАДИ?



Насиба ЭРМОНОВА.
Тўрткўл тумани:

— Маҳалла раиси сайлови ошқоралик тамойили асосида ўтказилиши белгиланган. Қайси ҳолларда сайлов ўтказилмай туриши мумкин?

Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида сайловни ўтказиш муддатлари белгиланган. Унга кўра, сайловни ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади. Бунда сайлов ваколатлари муддати тугаган фуқаролар йиғини раиси лавозимига ўтказилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида favкулотда ҳолат жорий қилинган бўлса, амал қилишининг бутун муддати давомида сайлов ўтказилмайди.

Замира АЙТБАЕВА,
Нўкус шаҳридаги “Науқан бағ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Ушайнинг 23-24 февраль кунлари давлат раҳбари Қорақалпоғистонга навбатдаги ташриф билан келдилар. Ташриф давомида Нўкус шаҳар фаоллари билан учрашув ташкил этилди. Унда мен ҳам иштирок этиб, маҳаллада олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот бердим. Президент ишимизни эътироф этиб, фаолиятимизни янада ривожлантирувчи тавсиялар берган эдилар.

Утган вақт давомида ишончга муносиб бўлишга интилдик. 110 нафардан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди, 60 нафарга яқин хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, кредит ҳамда субсидия берилди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида

1 миллиард сўм, “Менинг йўлим” лойиҳасида 605 миллион сўм маблағ ютиб олдик. Шу орқали инфратузилма билан боғлиқ масалаларни ҳал қилдик. “Обод маҳалла” дастури асосида 4-сонли оилавий поликлиника филиали таъмирланди, 39-умумтаълим мактабига қўшимча бино қад ростлади. Боймоқли ва Бақшали кўчасига 2 км. асфальт, 4,5 км. пиёдалар йўли қурилди. Кўчаларга тунги чирик ўрнатилди. 1,5 км. табиий газ, 3 км. ичимлик сув тармоғи янгиланди. Шунингдек, Куншиғар, Уш жап, Моншали, Темир тулпар кўчалари асфальтланди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси одамларни бирлаштирди. Биз ҳамжихатликда ижтимоий инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим топдик. Бу борадаги натижамизга ҳаммамнинг ҳаваси келади. 2023 йилдаги 1-мавсумда ғолиб бўлган

Икки маҳалла аҳолисининг ҳамкорлиги сабабли ғолиб бўлдик.

таклифга кўра, 2 200 метр зах ерда боғ яратиш ишлари бошланди. 2-мавсумда 590 метр узунликдаги Бағманли кўчасига асфальт ётқизиш ишлари якунланди. 2024 йилдаги 1-босқичда “Науқан бағ” ва “Телеорай” маҳаллаларини туташтирувчи темир йўл устидан автомобильлар ўтиш йўли қуриш таклифи илғари сурилганди. Икки маҳалла аҳолисининг ҳамкорлиги сабабли ғолиб бўлдик. Шу орқали узоқ йиллик масала ижобий ечилди. Танловнинг 2-босқичида “Дўстлик” каналидан 1 025 та хонадонга томорқа ерларни суғориш учун оқова сув тармоғи тортиш таклифи энг кўп овоз тўплади. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 2 та болалар ўйингоҳи, воркаут майдончаси қуриб битказилди. Тўрт гектар майдонда “Маҳалла боғи”ни бунёд этдик. Бу ерга

7 500 туп мевали ва манзарали дарахт қўчати ўтқаздик. Изланган, ҳаракат қилган кам бўлмас экан. 2023 йилда “Энг яхши маҳалла раиси” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 2-ўринни эгаллаган бўлсам, шу йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси томонидан “Йилнинг энг фаол маҳалла раиси” номинацияси бўйича “Хурмет” белгисига эга бўлдим. Жорий йил 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами тантанаси ҳаётимда ўзгача из қолдирди. Чунки шу кунни бир гуруҳ фаол аёллар қаторида Президент фармонида кўра “Шухрат” медали билан тақдирландим. Албатта, бу мукофот бутун жамоага, “маҳалла еттилиги”га берилган юксак эътироф. Келгусида шунга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Мукофот ғурур, ифтихор, ишонч билан бирга зиммамизга улкан масъулият юклади.

ОБОДЛИК

Одамлар ободликка ҳар доим камарбаста

Юрт обод бўлса, кўнгиллар обод бўлади. Қишнинг қаҳратони ортда қолиб, ўлкамизга баҳор кириб келди. Халқимиз қадим замонлардан баҳор фаслини ҳовли, кўча, маҳалла ва даладарда ободончилик ҳашарлари ўтказиб, шоду хуррамлик билан кутиб олган.

Биз ҳам ушбу қадриятга кўра, маҳаллани обод ва кўркем масканга айлантиряпмиз.

500 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламиз “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида кўркемлашяпти. Худуд ривожланиши, аввало, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қиляпти. Мисол учун, Узун қишлоғидаги 85 та хонадонда тозалик ва ободонлаштириш юмушлари бажарилиб, ҳовли ва кўчаларга 20 минг тупдан ортиқ мевали ҳамда манзарали дарахт қўчати экилди. 22 гектардан ортиқ аҳоли томорқаси тартибга келтирилди. 45-мактаб филиали жорий таъмирланди. Янги мактабгача таълим ташкилоти қурилиши бошланди, электр тармоғи тортилди. 10 км.дан ортиқ йўл шағаллашти-



рилди. 4 км. пиёдалар йўлакчаси қурилди. 4 км. ичимлик сув қувури тортилди.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 100 мингдан ортиқ коврак кўчати парваришланяпти. 100 дан зиёд хонадонга кўчат етказиб бердик.

Зомин табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси томонидан 1,5 гектар майдонга боғ ташкил этилди. Бу ерга 700 дона мевали кўчат экилди.

Ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу кейинги йилларда

маҳалла тизимига эътибор ортганининг натижаси, дейиш мумкин.

Ислохотлар одамлар онги, дунёқарашини ҳам ўзгартирди. Бизга камарбаста бўлиб, хайрли ишларга хисса қўшаётганлар кўп. Аммо кўзи очик ҳолда ухлаётган, ўзини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олаётган лоқайд инсонлар ҳам йўқ эмас. Улар билан ишлашда жамоатчилик кўмағига таянамиз.

Яна бир жиҳат — “маҳалла еттилиги” фаолиятининг ташкил этилгани қисқа вақтда самарасини бера бошлади. Инфратузилма яхшилалиши натижасида худудда тadbиркорлик ривожланяпти. Эҳтиёжманд оилалар қўллаб-қувватланиб, ишсизлик ва камбағаллик қисқартириляпти.

Бир сўз билан айтганда, барча ютуқларимиз замирида “еттилик” жипислиги ётибди.

Шодиёр БОБОЕВ,
Зомин туманидаги “Ширин” маҳалласи раиси.



Июндан
ЧИКИНДИДАН
ҚАРЗДОРЛИГИ
БЎЛГАНЛАР
электр энергияси
учун тўловларни
амалга ошириши
чекланади.



Ўзбекистонда
бизнес эгаларига
СТАТИСТИК
ҲИСОБОТЛАРни
тақдим этишда
бир қанча
енгилликлар
берилади.



2025 йилда
2 МИЛЛИОН НАФАР
АЁЛНИ ишли қилиш,
шундан 1 миллион
300 минг нафар
хотин-қизни
тадбиркорликка жалб
этиш режалаштирилган.

Амалий кўникма, бу — қизиққан касб учун ҳақиқий йўлланма



МАНЗАРА

АЙНИ ДАМДА
“МАҲАЛЛА
ЕТТИЛИГИ”
ВА СЕКТОР
РАҲБАРЛА-
РИ БИЛАН
БИРГАЛИКДА
ХУДУД-
ДАГИ 3 ТА
МАКТАБДА
ТАҲСИЛ
ОЛАЁТГАН
ЁШЛАР
БИЛАН
УЧРАШУВ-
ЛАР ТАШКИЛ
ЭТЯПМИЗ.

Дониёр САРИМОВ,
Ғулистон шаҳридаги
“Сайқал” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Ёшларнинг ижтимо-ий-иқтисодий масалаларини ҳал этиб, йигит-қизларга инновацион ғоялар, замонавий соҳалар ва янгидан-янги имкониятлар ҳақида маълумотлар тақдим этиб бораёмиз.

Маълумки, ҳозирда технологиялар ва инновациялар дунёсида “IT”, дастурлаш, компьютер саводхонлиги каби соҳалар жуда талабгир. Шунга кўра, маҳалламизда ташкил этилган ўқув марказлари орқали ёшларни ушбу соҳаларга кенг жалб қилишни мақсад қилганмиз. Уларни етакчи мутахассис сифатида тайёрлаб, ҳудуддаги

“
ҲОЗИРДА “IT” СОҲАСИДА
ИККИ НАФАР МАҲАЛЛАДО-
ШИМИЗ КЎЗГА КЎРИНГАН
КОМПАНИЯЛАРНИНГ БИРИДА
ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ.

компанияларда фаолият юритишига ҳаракат қилаёмиз.

Ҳозирда “IT” соҳасида икки нафар маҳалладошимиз кўзга кўринган компанияларнинг бирида фаолият юритади. Лекин бу фақатгина бошланиш. Биз ёшларнинг фақат таълим олиши билан чекланиб қолмай, уларда спорт, маданият ва санъат, шунингдек, касбий кўникмаларни ривожлантириш имкониятларини тақдим этаёмиз. Мактабларда шахмат-шашка тўғараклари, волейбол клублари ва тил курсларини ташкил этиб, ёшлар ўз қобилиятини ривожлантиришига кўмак бермоқдамиз.

Айтаманки, имконияти чекланган ёшлар ҳам доимий эътибор марказимизда. Уларни жамиятдан узилиб қолмаслиги учун касб-хунарга йўналтириб, ўзига бўлган ишончини оширишга ҳаракат қилаёмиз. Хусусан, ногиронлиги сабаб уйдан чиқишга имконияти бўлмаган

Бобур Хайитовни пазандачиликка ўқитиб, субсидия асосида унга зарур воситаларни олиб бердик. Шу билан бирга, мономарказда тикувчиликдан дарс олаётган Лайло Хошимованинг касб маҳоратини оширишига кўмаклашдик. Ёшларимиз ушбу кўмакдан миннатдор.

Ёшлар тақлиф-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, 10-11-синф битирувчи ёшлари учун танлаган соҳалари бўйича малака ошириш тизимини яратиш тақлифини бермоқчиман. Уларга қизиқишга қараб, амалий кўникмаларни ўрганиш имкониятини яратиш керак. Бунинг учун ўша соҳалардаги мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаш ва ҳақиқий иш муҳитида бир неча кунлик малака ошириш дастурларини ташкил қилиш лозим. Бу ёшларимизга танлаган касбларини янада чуқурроқ тушунишга ва келажақдаги фаолиятини аниқ белгилашга ёрдам беради.



МЕНДА
САВОЛ
БОР...

ТАЪКИҚ ҚЎЙИЛГАН
БИНОНИ ТУРАР
ЖОЙГА ЎТҚАЗИШ
МУМКИНМИ?

Ўқтам
САФАРОВ.
Урганч
шаҳри:

— 6 сотихли нотурар жойда тўрт хонали уйим бор. Унинг кадастри ҳам бор, аммо таъқиққа тушган, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган. Шу жойни қандай қилиб тураар жойга ўтказиш ёки ерни хусусийлаштириш мумкин?

Бехзод ЖУМАОБОВ,
Кадастр агентлиги
Хоразм вилояти
бошқармаси бошлиғи:

— Агар бу бинога таъқиқ қўйилган бўлса, уни нотурар жойдан турар жойга ўтказиш мумкин эмас. Вази́рлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Био ва иншоотларнинг ихтисослаштирилиш ўзгариш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча био ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”нинг 10-бандига кўра, нотурар жойни турар жойга ўтказишда бу жойни бошқа шахсга ўтказишга таъқиқ йўқлиги ёки ушбу нотурар жойга нисбатан ҳатлов мавжуд эмаслиги таллоб этилади. Шунга кўра, сиздаги ҳолатда бу ҳаракатни амалга ошира олмайсиз, деб ҳисоблаймиз.

“Келажаққа қадам” дастури орзуларни ҳақиқатга айлантиради

Шахноза
ХАЛИЛОВА.

Бу ҳолат ёшларнинг шахсий муваффақиятига салбий таъсир кўрсатган ҳолда бир неча омиларга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, олий таълимни тугатганлар учун мутахассисликка мос иш ўринлари мавжуд бўлмайди. Аксариyat йирик корхоналар, ташкилотлар талабга жавоб берадиган, тажрибали мутахассисларни қидиради, шу боис ёшлар кўпинча тажрибасизлиги сабаб иш топишда қийналади. Малака ва кўникмалар ўртасидаги тафовутга келсак, олий таълим муассасаларида берилаётган назарий билимлар кўпинча амалиётга нисбатан кучсиз бўлиши мумкин. Битирувчилар иш жойларида реал шароитларда талаб этиладиган малакаларни эгаллашда қийинчиликларга дуч келишади. Бунинг имкони бўлмагач, улар вақтинча, қисқа муддатли иш ўринларига жойлашишга мажбур бўлишади, бу эса уларнинг касбий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Аммо битирувчи ёшларнинг ишга жойлашиши, касбий малакасини ошириши учун мамлакатимизда қатор муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Президентнинг “Олий



таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида “Келажаққа қадам” дастури ишга туширилди. Мазкур дастур айнан ёшларнинг келажагини мустаҳкамлаш, уларни касбга йўналтириш ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашишга хизмат қилади. Бу оддий лойиҳа эмас. Унда ёшларнинг орзулари ҳақиқатга айланади. Улар учун инновацион имкониятлар эшиги очилади. Бу дастур орқали битирувчилар энди фақатгина диплом билан қўлиб кетмайди, балки ўз мутахассислиги бўйича иш топади, тажриба орттиради, ҳаттоки ўз бизнесини бошлайди.

Дастур қандай
имкониятлар яратади?

Иш берувчилар билан тўғридан-тўғри боғланиш орқали ёшлар йирик компаниялар ва ташкилотлар билан танишиб, ўз касбий йўналишида иш топиш имкониятига эга бўлади.

Бизнес ғояларни ҳақиқатга айлантириш — стартаплар ва инновацион лойиҳалар учун молиявий кўмак, эксперт маслаҳатлари ҳамда амалий ёрдам берилади.

Махсус касбий тайёргарлик курсларида ёшлар иш берувчиларнинг талабларига мос келувчи махсус дастурлар асосида ўқитилади.

Дейлик, сизда ажойиб бизнес ғоя бор, лекин уни қандай амалга оширишни билмаясиз. Дастур сизни мутахассислар, молиявий кўмак, зарурий ресурслар билан таъминлайди. Ёки сиз ўқиниш тугатдингиз, лекин тажрибангиз йўқ. “Келажаққа қадам” сизга иш берувчилар билан боғланиш, ишлаб чиқариш объектларида амалиёт ўташ, касбий курсларда қатнашиш имкониятини беради.

Халқаро тажриба алмашишда энг иқтидорли ёшлар ҳоризмдаги етакчи олий таълим муассасаларида қисқа муддатли курсларда қатнашишади.

“Келажаққа қадам” юрти-миз ривожига туртки бўлади. Бу дастур фақат ёшлар учун эмас, балки бутун мамлакат иқтисодийи учун ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, унинг ижроси доирасида ишсизлик камаяди, тадбиркорлик ривожланади, маҳаллий ишлаб чиқариш кенгайди, халқаро ҳамкорлик кенгайди. Бундан бун “ўқиш тугади, нима қилишим керак?”, деган саволга ўрин йўқ. Энди ҳар бир ёшнинг аниқ йўналиши, режаси ва имконияти бор.



ЛИМОНЛАРДАН
МИЛЛИОНЛАРНИ
“ЯСАЁТГАН”
ОДАМЛАР

Ўтган йили юртимизда ишсизликдан холи маҳаллалар сони 1 889 тага етди. Ана шундай ҳудудлардан бири Бандихон туманидаги “Лимонзор” маҳалласи бўлиб, йигин лимончиликка ихтисослашган. Бу ерда 600 га яқин хонадон томорқасининг аксариятида лимон етиштирилади.

Маҳалла аҳлининг сермахсул меҳнати сабаб ҳосил анча мўл бўлди. Олдинги йилларда лимон дарахтидан одамлар 30 тонна ҳосил олган бўлса, ўтган йили икки баробар кўп — 60 тоннагача ҳосил берди. Эътиборлиси, бу тармоқда ёшлар фаолияти кенг ривожланмоқда. Хусусан, Тоштемир Абдулаҳадов ўз томорқасида аввалги мавсумда 200 туп лимон экканди. Бу мавсумда ҳудди шунча тупдан 5 тонна ҳосил олиб, олдингидан икки баробар кўп даромад қилди. Энди у иссиқхона-ни кенгайтиришни режа қилмоқда.

— Ҳар бир хонадонда 3 сотихдан 25 сотихгача бўлган иссиқхоналар мавжуд бўлиб, аҳолининг асосий даромади лимон етиштириш саналади — дейди маҳалла раиси Раҳман Жалилов. — Ёшлар би-

лан суҳбат қилганимизда, битта кўчатдан 20 килограммгача ҳосил олаётганини билдим. Уларнинг даромадини ошириш учун вилоятнинг энг нуфузли институтларидан лимончилик соҳасида илмий иш ёқлаган профессор-ўқитувчиларни жалб қилдик, ҳосилни кўпайтириш йўллари изладик. Натижаси кўп қуттирмади, лимондан икки баробар кўп ҳосил олдик.

Маълумот учун, жорий йилда маҳаллаларда 378 мингта микролойиҳа амалга оширилди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун лимонзорликлар энди лимон маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича лойиҳалар устида бош қотирапти. Шу билан бирга, “Лимонзор” маҳалласи тажрибаси Сурхондарёнинг бошқа ҳудудларида ҳам оммалаштирилмоқда.

ИМКОНИЯТ



1 июлдан аҳолига хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотлари ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ тизимларига уланиши шарт.



Ҳукумат қарори билан ногиронлиги бўлган болалар учун КҮНДУЗГИ ПАРВАРИШ хизматини ташкил этиш тартиби белгиланди.



Ўзбекистонда экологик тоза сиқилган табиий газ ёқилғиси асосида ишлайдиган ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ яратилади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

ТАДБИРКОРГА ЕР ВА КРЕДИТ ОЛИШДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛСА...



Зариф КЕЛДИЁРОВ, Қашқадарё вилояти Солиқ бошқармаси бош инспектори.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 828 та маҳалла бўлиб, уларга 296 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Улар “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали жойлардаги муаммоларни ҳал этиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини таъминлаяпти.

Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги ўз натижасини берапти. Хусусан, солиқлар йиғилувчанлиги ортиб, бюджет даромадларининг кўпайишига эришиляпти. Буни солиқ тушумлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 115 фоизга ўсганида ҳам кўришимиз мумкин.

Кувонарлиси, “маҳаллабай” ишлаш тизими солиқчилар

ўртасида ўзига хос рақобат муҳитини яратди. Бугун ҳудудда солиқ тушумларини кўпайтирган, тадбиркорлар сафини кенгайтириб, янги иш ўрни яратаётган солиқ инспекторлари муносиб рағбатлантириляпти. Ҳар бир ходимнинг самарадорлик кўрсаткичи ой якуни бўйича 100 балл бўлса 200 фоиз, 97-100 балл бўлса 150 фоиз ва 95-97 балл бўлса 100 фоиз, 90-95 балл бўлса маошига қўшимча 50 фоиз устама тўланиб келинапти. **Касби туманидаги “Оқтепа”, “Боғариқ” ва “Денов” маҳаллалари солиқ инспектори Абдулазиз Жумаев** февраль ойида кўрсаткич режасини 127,5 фоизга бажариб, республика миқёсида биринчилардан бўлди.

– “Маҳаллабай” ишлаш тизими солиқ соҳаси ва тадбиркорлар учун жуда қулай имконият яратди,

– дейди солиқ инспектори **Абдулазиз Жумаев**. – Аҳоли ўртасида солиқ соҳасига оид тарғибот тадбирларининг самарали ташкил этилиши натижасида фуқароларнинг солиқ маданияти ошди. “Маҳалла еттилиги” аъзолари билан аҳил ҳамкорликда ишларни ташкил этганимиз учун юқори натижаларга эришяпмиз. Биргина март ойининг беш иш кунида 120 млн. сўм солиқ тушуми ундирилди. Айланмадан олинадиган солиқ 22 млн. сўмни ташкил этди. Менга бириктирилган учта маҳаллада 4 696 нафар ер ва мол-мулк солиғи тўловчиси, 44 та юридик шахс, 156 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 323 та деҳқон хўжалиғи бор. 1 912 нафар фуқаро турли соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад топаяпти.

Маҳаллалар катта йўл бўйида жойлашгани учун сав-

до-сотиқ, ошхона ва тўйхона бизнеси билан шуғулланиш истагини билдираётган фуқаролар кўп. Бироқ тадбиркорлик қилиб, янги иш ўрни яратиш истагини билдирган фуқароларда ер олиш муаммоси юзага келаяпти. Тўйхона қуриб, 20 та иш ўрни яратаман, деганларга кредит фоизи кўплик қиляпти. Агар тадбиркорлик билан шуғулланиш қобилиятига эга фуқароларга ер ва кредит олишда қандайдир қулайликлар яратилса, ишлаб чиқариш корхоналари сони кўпайиб, ишсизлар камайган бўларди.

Энг муҳими, бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бор. Ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудлар обод бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этиляпти. Солиқ инспектори таъкидлаб ўтган муаммолар ҳал этилса, солиқ тушумлари янада ортиб, “маҳалла бюджети” кўпаяди. Ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги юксалади.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

СУВ ТАЪМИНОТИ 45 ЙИЛЛИК МУАММО ЭДИ...

Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги “Намуна”, “Қоражийда”, “Кичик бешкапа” ҳамда “Лойсон” маҳаллалари “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Солиқ қўмитаси Ранси Шерзод Кудбиевга бириктирилган.

Бекзод ҚОДИРОВ, Фарғона вилояти Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Яқинда қўмита раиси ушбу ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Ўрганишлар давомида “Намуна” ва “Қоражийда” маҳаллаларида “еттилик” ҳамда йиғин

ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўряпти. Халқимиз тўқ, фаровон яшаши учун барча шароитлар яратилляпти. Бу йил “Намуна” маҳалласи аҳли учун катта янгилик – сув таъминоти яхшиланяпти. Иккита жойда артезиан қудуғи қазилляпти. Бу янгиликни катта байрам сифатида қутиб олдик.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Қўштепа туманидаги “Намуна”, “Қоражий-



фаоллари билан учрашув ўтказиб, томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, сув ва электр энергияси таъминотидаги муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Сувни тежовчи суғориш тизимларини кенг татбиқ этиш вазифалари белгиланиб, томорқани доимий даромад олиш манбаига айлантириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

– Бу ерга келин бўлиб тушганимдан, яъни 45 йилдан буён сув муаммосидан қийналамиз. Айниқса, ёзда сувга бўлган эҳтиёж янада ортади, – дейди “Намуна” маҳалласида яшовчи **Шарифа Нурматов**. – “Маҳалла еттилиги” ҳар бир хонадонга кириб, муаммоларини

да, “Кичик бешкапа” ҳамда “Лойсон” маҳаллаларининг ҳар бирига 3 млрд. сўмдан маблағ ажратилиши белгиланган. Ушбу маблағлар ҳисобидан томорқаларни суғориш учун сув билан таъминлаш, электр таянч устунларни янгилаш, ички йўлларни таъмирлаш ишлари олиб борилади. Айни пайтда “Намуна” маҳалласида артезиан қудуғи қазилляпти.

Дастур доирасида бажарилаётган ишлар тумандаги мутасадди ташкилотлар вакиллари билан жойига чиққан ҳолда ўрганилди ҳамда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли яқунлаш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ЯНГИ УЙ УЧУН СОЛИҚ ҚАЧОНДАН ТЎЛАНАДИ?

Музаффар ОХУНОВ, Тошкент вилояти:

– ЎЗ НОМИМГА ЯНГИ КВАРТИРА СЎТИБ ОЛГАН БЎЛСМ, МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҚАЙСИ ДАВР УЧУН ТЎЛАШИМ КЕРАК: СЎТИБ ОЛИНГАН КУНДАН КЕЙИНГИ ДАВР УЧУНМИ ЁКИ БУТУН ЙИЛ УЧУН?

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Мол-мулкка эгалик ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, мол-мулк солиғи аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўлайди.

Масалан, 2025 йил 13 февралда квартира сотиб олган бўлсангиз, 2025 йилнинг 1 февралидан 31 декабрга қадар 2025 йил учун мол-мулк солиғини тўлайсиз. Агар янги бинодан квартира сотиб олган бўлсангиз, янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ мулк ҳуқуқи юзага келган ойдан, агар сиз кўчмас



мулкни мерос қилиб олган бўлсангиз, мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган тақдирда, солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тугатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик ёки бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Агар солиқ имтиёзлари мавжуд бўлса, календарь йил мобайнида имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?


Далолатномалар электрон расмийлаштирилади

Жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини жисмоний шахслардан харид қилувчи экспортёр корхоналар далолатномаларини электрон расмийлаштиришлари мумкин.

Жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадида харид қилган корхоналар учун солиқ тўловчиларнинг **my3.soliq.uz** шахсий кабинетига далолатномаларни электрон расмийлаштириш имконияти яратилди. Эндиликда ушбу сайтга кириб, “**Электрон ҳужжат алмашиш**” бўлимида “**Юридик шахслар томонидан қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини харид қилиш далолатномалари**” хизматини танлаб, “Экспортчи” белгисини боссангиз кифоя, барчаси онлайн, тез амалга ошади. Мазкур хизмат “**Soliq**” мобил иловасининг “Солиқ бизнес” бўлимига ҳам қўшилди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати





Ўзбекистон ва Озарбайжон МАСОФАВИЙ ЗОНДЛАШ маълумотидан бирга фойдаланади.



Бу йил ҲАР БИР МАҲАЛЛАДАН 25-30 нафар хотин-қиз олийгоҳларда таълим олишига имконият яратилади.



АҚШ Конгресс кутубхонасига “Ўзбекистон маданий мероси” туркумидаги 50-жилдик тўплам топширилди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

24/7 КУН ТАРТИБИ — ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ



Алибек ЖУМАОБОВ, Амударё туманидаги “Беш овул” маҳалласи профилактика инспектори.

“Беш овул” маҳалласи кўшни Турк-манистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Фуқароларнинг асосий қисми чорвачилик, деҳқончилик ва балиқчилик билан шуғулланади. Айримлари йиғиндаги иккита умумтаълим мактаби, битта боғча ва оилавий поликлиникада меҳнат қилмоқда. Бир қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида банд.

Кунлик иш фаолиятини маҳалла идорасидан бошлайман. Бу ерда “маҳалла еттилиги” аъзолари ўз йўналишларимиз бўйича муҳим масалаларни муҳокама қилиб, белгиланган режа асосида ишга киришамиз. Асосий вазифам — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш бўлгани учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтираман. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряман. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, руҳий касалликка

чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлайман. Ўрганишларимдан маълум бўляптики, низоли оилаларнинг асл сабаблари — рашк, ичкилик, ишсизликдир. Шу боис “маҳалла еттилиги”, фаоллар иштирокида оилалар яраштириляпти, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилиняпти. Натижада оилалар тинч-тотувлиги таъминланяпти.

Ҳудудда бирорта ишлаб чиқариш корхонаси ёки тадбиркорлик кенг ривожланмагани учун ишсизлик муаммоси бор. Ҳозирда 45 нафар фуқаро чет элда ишлайди. Ҳар ой хорижга чиққан фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларини ўрганиб боряпман. Шунингдек, уларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан учрашувлар ўтказиб, вояга етмаган фарзандлари тарбиясини назоратга олганмиз. Бугун ёшлар таълим-тарбияси жуда долзарб. Шу боис “мактаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишига алоҳида этибор қаратяпмиз. Иккита мактабда ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, фан ва спорт тўғрисидаги таълим ташкил этилди. Футбол ишқибозлари учун минни стадион кечаю кундуз хизматда. Йигит-қизларнинг турли бузуғунчи ғоялардан йироқда бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун бор имкониятдан фойдаланяпмиз.

Яқинда фермерлар ҳомийлигида футбол мусобақаси ўтказиб, ёлибларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда, марказий кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Маҳалла ҳудудига кириб чиқувчи асосий йўлларга, савдо дўконларига видеокузатув қурилмалар қўйилди. Жиноятларнинг олдини олиш учун барча кўчаларга тунги ёритгич чироқлари ҳамда видеокузатув камералари қўйиш бўйича ўз тақлифларимизни бердик. Мақсадимиз — келгусида 24/7 кун тартибда бутун маҳалла ҳудудини кузатиб, жиноятларнинг барвақт олдини олишдир. Бу борада Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган “йўл харитаси” бўйича манзилли ишлар олиб бориляпти.

Бугун республика миқёсида профилактика инспекторларининг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратилляпти. Агар “Беш овул” маҳалласида ҳам хизмат уйи қурилса, кечаю кундуз шу ҳудудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқолиштирилиши ва хавфсизлигини таъминлаш янада самаралироқ бўларди.

ЮКСАЛИШ

УМИДИ КЎП КИШИНING ИНТИЛИШИ КАМ БЎЛМАЙДИ



Аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янги тадбиркорлик субъектларининг ташкил қилиниши янги иш ўринлари яратилиши ва фуқароларнинг иқтисодий имкониятлари ошишига сабаб бўлмоқда. Бунга Шовот туманидаги “Идали қалъа” маҳалласи мисолида кўришимиз мумкин.

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Бугунги кунда мазкур маҳаллада 509 та хонадон бўлиб, унда уч минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Маҳалла “драйвери”, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорликни йўлга қўяётганлар анчагина. Жавоҳир Отаназаров — шулардан бири. У мебель ишлаб чиқаришда тажриба орттиргач, ўзининг шахсий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Пировардида, хонадонидида ишлаб чиқариш цехи ташкил қилиб, оилавий корхонасига асос олди.

Ҳозирда мазкур корхонада 12 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланган. Бу ерда маҳалла фуқароларини мавсумий иш билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилган. Корхонада 15 дан ортиқ турли мебеллар ишлаб чиқарилиб, вилоят ва республика миқёсининг турли ҳудудларига етказиб берилляпти.

— Мебелчилик сирларини ўргатган устозимнинг ишига қараб, менда ҳам мустақил тадбиркорлик қилиш нияти пайдо бўлди.

Бугун шу мақсадимга эришдим. Даромадим яхши. Асосийси, маҳалладошларимни иш билан банд қилганимдан хурсандман. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириш режам бор, — дейди Жавоҳир Отаназаров.

“Идали қалъа” маҳалласида аҳоли бандлигини таъминлашда бошқа тармоқларда ҳам яхши натижаларга эришилган. — Бугун фуқароларимизнинг ҳаётга ишончи катта, умидлари кўп, — дейди “Идали қалъа” маҳалласи раиси Шавкат Машарипов. — Биз “маҳалла еттилиги” ана шу мақсадларни амалга ошириш учун тинимсиз ҳаракатдамиз. Аҳоли бандлигини таъминлашда “драйвер”имиздан келиб чиқиб, иш ташкил қилаямиз. Фуқаролар ўз томорқаларида иссиқхона, хонадонларида чорвачилик билан шуғулланяпти. Ҳозирда етти та оилавий корхонамизда фуқаролар бандлигини таъминланган.

Юртимизда йирик ишлаб чиқариш корхоналари қаторидан кичик тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш соҳасига сезиларли таъсир кўрсатяпти. Бунда нафақат ички бозордаги нарх сифати яхшиланиши, балки бўш иш ўринлари сони ортишига эришилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

БРАУЗЕРИНГИЗ СИЗНИ ҚАНДАЙ КУЗАТАДИ?

Агар ГЕОЛОКАЦИЯ ёқилган бўлса, сайтлар ва иловалар сизнинг аниқ жойлашувингизни билишлари мумкин. Бу эса қизиқ бўлмаса ҳам жойлашувингизга асосланган ҳолда реклама ва тавсиялар бериб боради.

Агар сиз тасодифан ВЕБ-КАМЕРА учун туришларига имкон яратган бўласиз. Бу эса ҳаётингиз хавф остида қолиш эҳтимолини оширади.

МИКРОФОН орқали эса сизнинг суҳбатларингизни, овозли ёзувларингизни ёки шахсий маълумотларингизни кузатиш мумкин. Тахвоузорлар руҳсатсиз микрофонингизни ёқиб, ҳар қандай муҳим ёки махфий суҳбатларни ёзиб олишлари мумкин.

Ёқилган БИЛДИРИШНОМАЛАР доимий равишда ортиқча хабарлар билан сизни безовта қилиши мумкин. Бу, айниқса, иш ёки ўқуш вақтида концентрация қилишни қийинлаштиради. Доимий билдиришномалар сизнинг диққат-эътиборингизни тарқатиши ва руҳий босимни ошириши мумкин.

Шунингдек, браузерда доимий равишда сақланаётган контентлар (Browser cookie), “JavaScript” кодлари, расмлар, хавфсизлик созулмаларини назорат қилиш лозим.

Киберхавфсизлик маркази.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Қарздорлик бартараф этилганда, чеклов бекор қилинади

Эндиликда чиқинди хизматларидан қарздорлигингиз бўлса, электр энергиянгиз ўчирилади. Бу ҳақда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунида белгилаб қўйилди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқ ҳақлари, эркинлик ва қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунида белгилаб қўйилди.



CHIQUINDI XIZMATLARIDAN QARZDORLIGI BO'LGAN ABONENTLARNING ELEKTR ENERGIYASI UCHUN TO'LOVI CHEKLANADI

Қарздорлик бартараф этилган тақдирда чеклов автоматик равишда бекор қилинади. Бу жараёнда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар хизматлари учун тўловларни ҳисоб-китоб қилишнинг ишончилиги ҳамда тўғрилиги учун жавобгар бўлади. Шунингдек, мазкур талаблар бузилган ҳолларда истеъмолчига етказилган зарарнинг ўрни қоплаб берилади.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари сифатини оширишга ҳамда ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этишга қаратилган тизим-

ли ишлар амалга ошириляпти. Шу билан бирга, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун аҳолининг дебитор қарздорлиги кескин ўсиши мазкур хизматлар учун тўлов интизоми даражасини ошириш заруратини юзага келтирмоқда. Ушбу ҳужжат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов интизоми мустаҳкамлашга ҳамда аҳолининг мазкур хизматлар учун дебитор қарздорлигини камайтиришга хизмат қилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач қучга қиради.

Мақсадбек ҚЎҚОРОВ.



“AGROWORLD UZBEKISTAN – 2025” кўргазмасида 23 мамлакатдан 130 дан ортиқ компания ўз махсулотини намойиш этади.



“ITB Berlin” халқаро кўргазмасида Ўзбекистоннинг САЙЁХЛИК САЛОҲИ ЯТИ тақдироти ўтказилди.



1 апрелдан метан-шоҳобчаларда газни чекланган нархда сотиш бўйича талабнинг АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ ТУГАЙДИ.

ТАҚДИРЛАР

ЭЗГУ АМАЛНИНГ НОМИ БОР, У — ЯХШИЛИК

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот котиби.

Ўрта Чирчиқ тумани “Кўкмўйин” маҳалласида яшовчи Олтиной Исматова болаликдаги оғир ҳасталиқдан сўнг бир қўли ва бир оёғи тўлиқ ҳаракат қила олмайди-ган бўлиб қолган.

Маҳалладаги ижтимоий ҳодим оиланинг шароитини комплекс ўргангач, уларни Камбағаллик реестрига киритди. Ушбу хонадонни камбағалликдан чиқариш бўйича амалий ишлар ўтмоқда. Хусусан, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологлари тизимли равишда машғулотлар олиб бормоқда. Жараёнлар тушкун кайфиятда бўлган оиланинг ўзига бўлган ишончини оширишга, ҳаётга теран назар билан қарашини шакллантиришга тўртки бўлмоқда.

Шунингдек, Исматовлар оиласи чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Турмуш ўртоғи иш билан таъминланди. Газ ва электр энергияси харажатлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Фарзандларига болалар нафақаси тайинланди. Санаторийда даволаниши учун йўланма берилди.

Олтиной Исматованинг режалари улкан. У Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Уйда маҳалла ёшларига чет тилларини ўргатиш учун тўғрақ очиш, томорқасида иссиқхона ташкил қилиш тадоригида.

“Дардини айтмаса, ҳам дарвозаси очилгунча қатнайверамиз”

Оилаларга кирганда, биринчи галда чиройли муамала қиламан. Уларнинг орасида ҳар хил кайфият ва шароитдаги одамлар бор. Кимдир моддий етishимовчилик, яна бoshқаси соғлиғи тўғрисида қийин вазиятда бўлади. Шунга муносиб тарзда кўнглига қараб суҳбатлашсам, барча муаммоларини очик-ойдин айтган. Кейин фуқарога хизмат кўрсатишимиз ҳам анча осон кечад.

Адашой АҲМЕДОВА, Зарафшон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла ижтимоий ходими.

Шундай оилалар бор, ҳолати оғир бўлса-да, буни ошқор қилишга ийманади. Ёрдам керак эмас, деб эшигидан киритмайди, ҳатто. Лекин бундай хонадонларга қайта-қайта боришга эринмайман. Яқинда бир кишининг кўмакка муҳтожлиги ҳақида хабар топиб, уйига кўргани бордик. Қанча уринмайлик, ёрдам олиш-



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ни истамади. Қўлтиқтаёкка эҳтиёжи бўлишига қарамай, таклифимизни рад этди. Шунда бу кишининг фарзандлари ва қариндошлари орқали Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг холис қўллаб-қувватлашига ишончини оширишга эришдик. Ҳозир ҳолидан хабар олгани борсак, хурсандчилик билан қарши олади.

Маҳалламизда 7 756 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ногиронлиги бўлган фуқаролар 180 нафарни ташкил этади. Кам таъминланган оилалар 11 та бўлса, Камбағаллик реестрига киритилганлар 12 тадан иборат. Бундан олти ой аввал “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ҳудудимиздан 20 та оила раҳбар ходимларга би-

риктирилган эди. Алоҳида ёндашув асосида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 8 та хонадоннинг шароитини яхшилашга эришдик.

Дилмурод Болтабоев оиласи камбағал сифатида банк раҳбарига бириктирилган эди. Ўзи хусусий тикувчилик корхонасида оддий ишчи бўлиб ишларди. Турмуш ўртоғи уйда, фарзанд парвариши билан банд бўлгани учун рўзғорга ҳиссасини қўша олмаган. Оила вакиллари билан суҳбатлашганимизда, эр-хотиннинг ҳар иккиси тикувчиликдан ҳабарини борилиги, ўзлари мустақил иш бошлаш ниятида эканини айтишди. Шу таклиф асосида уларга имтиёзли равишда 33 миллион сўмдан 66 миллион сўм кредит ажратилди. Маҳалла ҳудудида бўш турган бинони ижарага олишига кўмаклашилди. Берилган маблағ эвазига тикув машинаси ва бошқа ускуналарни харид қилишди. Бириктирилган раҳбар томонидан 3 ойлик харажатлар тўлаб берилди. Ҳозир даромади анча яхши. Эр-хотин фарзандларини ҳам эллаб, фаолиятини ҳам давом эттиряпти. 3 та ишчи ўрни яратган. Улар махсус кийимлар ва замонавий костюм шимлар тикиб, беш ой ичида етарлича миқозлар орттиришга улгурди. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган 1 ёшли фарзанди тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Ҳар уч ойда бепул тарзда укалаш муолажасини қабул қилиши учун йўланма берилди. Ҳозир мазкур оила Камбағаллик реестридан чиқарилди. Кредити ва ижара тўловларини бемалол тўлаяпти.

Шу кунгача турли ҳолатлар бўйича 72 та кейс очилди. Хусусан, бир фуқаро кўп қа-

ватли ётоқхонанинг 4-қаватидан йиқилиб тушади. Олган жароҳатлари сабаб уч ойдан кўпроқ тўшака михланиб қолади. Унга махсус юриш мосламаси олиб берганимиздан кейин ўрнидан туриб юришни бошлади. Биринчи марта бу кишининг кўчада юриб бо-раётганини кўриб, ҳайратга тушдим. Кўрсатган кўмагимиз сабаб бир инсоннинг ҳаётга қайтгани, ижтимоийлашуви таъминлангани менга катта куч ва рағбат бағишлади.

Айни вақтда янги ижтимоий лойиҳа устида ишлаяпман. Бунда битта камбағал оиланинг моддий ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Томорқаси катта бўлгани учун ҳомийлар ёрдамида паррандачилик фаолиятига йўналтирмоқчимиз. Бириктирилган раҳбар ҳодим билан барча режалар тузиб чиқилган. Агар мақсадимизга эришадиган бўлсак, улар яхшигина даромадга чиқиши мумкин. Оила бошлиғи 1-гурӯх ногиронини, турмуш ўртоғи унга қаровчи сифатида бириктирилган. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан фуқаронинг дори-дармони учун пул ажратилди. Фарзандларини “IT” тўғрагига бепул тарзда жойлаштиришни режа қилганмиз.

Шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчи эдим. Маҳалламизда санаторийга йўланма сўраб келувчи фуқаролар анчагина. Аммо кўпчилигининг навбати қиш кунларига тўғри келиб қоляпти. Улар совуқда бориб, даволаниб келишни хоҳламайди. Бунга ечим топиш бизнинг қўлимизда эмас. Фуқарони навбатга қўяётганда мавсумини танлаш имкони берилса, яхши бўларди.

ҚАНДАЙ ЁРДАМ ВА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ МАВЖУД?

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КҮЙИДАГИ ТҮРТ АСОСИЙ ЙўНАЛИШГА БўЛИНИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ижтимоий суғурта — иш берувчилар ва ходимлар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари ҳисобидан берилади. Масалан, пенсия, ишсизлик нафақаси, касаллик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси.

Ижтимоий ёрдам — давлат кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож фуқароларга ажратадиган моддий ёрдам. Масалан, ногиронлик нафақаси, болалар нафақаси, боқувчисини йўқотганлар учун нафақа.



БИЛАСИЗМИ?

Ижтимоий хизматлар — аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига давлат ёки ННТ тақдим этадиган хизматлар. Масалан, зўравонликдан ҳимоялаш, парваришлар хизматлари, ёшлар учун психосоциал хизматлар.

Фаол меҳнат бозори дастурлари — ишсизларни бандликка жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар. Масалан, касб-хунарга ўқитиш курслари, субсидияланган иш ўринлари, бандлик марказлари орқали ишга жойлаштириш.

“Фаол ҳаёт” сари илдам одим ташланяпти

ЯНГИ ЛОЙИҲА

КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИГА ҲУРМАТ КўРСАТИШ, УЛАРНИ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВЛАШ ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚОНИГА ҚАДРИЯТ СИФАТИДА СИНГИБ КЕТГАН ЭЗГУ АМАЛЛАРДАН БИРИ. ОДАМЛАР НУРОНИЙЛАР ДУОСИНИ ОЛИШ, КўНГЛИНИ КўТАРИШ ҚАНЧАЛИК САВОБЛИ ИШ ЭКАНИНИ ЯХШИ БИЛИШАДИ.

Шахноза РАҲИМХўЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Шу маънода кимдир яхши суҳбатдош сифатида, яна биров совға-саломлар билан бобо-бувиларнинг қалбига йўл топишга ҳаракат қилишади. Бу яхши, албатта, лекин орамизда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган якка-ёлғиз яшаётган нурунийлар ҳам бор. Базан шу тоифа кишининг рухий тушкунликка тушиши, яқин инсонни йўқлигидан сиқилиши табиий ҳол.

Айни масалага ечим топиш мақсадида қатор янгидан-янги лойиҳалар устида ишланди. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни эҳтиёжларига мос равишда қўллаб-қувватлаш хизматларини ташкил қилиш учун 300 миллион сўмлик давлат ижтимоий буоортмасини эълон қилган эди.

Мазкур лойиҳада Яккасарой туманидаги “Нурунийлар маскани” иштирок этиб, ғолиб деб топилди. Эндиликда ушбу масканда кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мос тўғарақлар шакллантирилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.



2025 йил 5 март кунидан бошлаб “Нурунийлар маскани”да 18 ёшдан катта ногиронлиги бўлган, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ҳамда нафақа ёшидаги кексалар учун “Фаол ҳаёт” лойиҳаси ишга туширилди.

“Фаол ҳаёт” лойиҳасининг мақсади — кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний соғлом-

лаштириш, рухий саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётий тажрибала-ри билан бўлиши ҳамда мулоқот майдонларини шакллантиришга қаратилган тўғарақлар ташкил қилиш орқали уларнинг ҳаётий фаол-лигини оширишдан иборат.

Мазкур лойиҳа доирасида йога, музика терапияси, арт терапияси,

кино клуб, психолог иштироки-да турли хил тренинглар, маҳорат дарслари ҳамда хотирани яхши-лашга қаратилган ўқув машғулот-лари ташкил этилади.

Шунингдек, бугунги кунда ҳаё-тимизда тез-тез учраб турган хо-

латлардан бири — телефон орқали кибер фирибгарликдан ҳимояла-нишга кўмаклашувчи машғулотлар-ни олиб бориш режалаштирилган. “Нурунийлар маскани”га ўзга-лар парваришига муҳтож шахслар-ни олиб келиш ва олиб кетишда “Инсон” ижтимоий хизматлар мар-кази томонидан ҳамроҳлик хизма-ти кўрсатилади.

“Фаол ҳаёт” лойиҳаси кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ҳаётида фаол иштирок этишга ундайди, саломатлиги ва рухий ҳолатини яхшилайди, ис-лохотлардан хабардор қилишга ва бундай тоифадаги шахслар давлат-нинг доимий ҳимоясида эканини амалда кўрсати.

Кўриниб турибдики, бу янги лойиҳа ногиронлиги бўлган ҳамда кекса авлод вакиллари вақтини мазмунли ташкил этишда катта аҳамият касб этади. Қолаверса, енгил жисмоний машқлар танаси-га янада куч-қувват бағишлайди. Турли психологик машғулотлар сабаб кайфияти кўтарилиб, ўзига бўлган ишончи ортади. Орамизда ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом кишиларнинг кўпайиши жамият ривожига муҳим ўрин тутди. Умид қиламизки, бундай янги ташубус-лар давомий бўлади ва барча ҳу-дудларда жорий этилади.



Ўзбекистон
“Глобал терроризм
индекси”да
ТЕРРОРИЗМ
ТАХДИДИ ПАСТ
бўлган мамлакатлар
қаторига
кирди.



Муайян
касалликлари бор
ўқувчиларга
TRANСПОРТ
ХАРАЖАТЛАРИ
тўлаб
берилади.



Ҳар йили
камида 200 нафар
қиз дунёнинг
нуфузли
олийгоҳларига
ЎҚИШГА
ЮБОРИЛАДИ.

МАЪНАВИЯТ

КИТОБ ЎҚИГАН БОЛА ЎҚИМАГАНДАН КЎРА КЎПРОК ТАДБИРГА ҚОДИР

Китобхонликни тарғиб қилиш, ёшларнинг мутолаага бўлган қизиқишини ошириш борасида жуда кўп фикр ва таклифлар билдирилади. Бу ҳақда қанчадан-қанча қўлланмалар яратилади, мақолалар ёзилади. Лекин, назаримда, ишни оиладан, маҳалладан бошламас эканмиз, ҳаммаси бекор. 2018 йилда шу ҳақиқатни чуқур англаб етдим.

Марзия ЁРҚУЛОВА,
Пахтачи туманидаги “Урганжи”
маҳалласи кутубхона раҳбари,
“Шухрат” медали соҳибаси.

Айни шу даврда юртимизда тadbиркорликни ривожлантириш борасида жадал ишлар бошлаб юборилган эди. Лекин аҳоли бу ҳақда ҳеч қандай тушунча ва билимга эга эмаслиги бунга тўқсонлик қилаётганини тушуниб етдим. Ўша вақтдаги туман Кенгаши депутати билан маслаҳатлашиб, маҳалламизда бўш ва ташландиқ бўлиб ётган 72 квадрат метрлик фаоллар залида кутубхона ташкил этишга қарор қилдик. Шу орқали одамларни ишбилармонликка, янги бизнес бошлашга ўргатишни мақсад қилган эдик.

Маҳалла тизимида 12 йил фаолият олиб борганим менга катта ёрдам бўлди. Аҳолининг бу борадаги мулоҳазаларини ўргандим. Кўпчилиги таклифимни қўллаб-қувватлади. Кўнгиллилар ҳашар йўли билан хонани таъмирлашга ёрдам берди. Туман ҳокими зарур мебеллар жамланмасини совға қилди.

Бу жараён билан баравар кутубхона фондини шакллантиришга киришиб кетдим. Аввалига хонадонма-хонадон кириб, ўқиб бўлинган адабиётларни йиға бошладим. Айримлар хурсанд бўлиб, 30-40 доналаб китоблар совға қилишарди. Кишлоғимиздан етишиб чиққан нуфузли олим, шоир ва ёзувчилар 100-150 донегача китоблар жамланмасини юборишди. Лекин беш бармоқ баробар бўлмаганидек, айрим хонадон эгалари “Китоб, қанақа китоб? Шу замонда ким уни ўқир экан?”, деб кинояли жавоб қайтарганлар ҳам бўлди.

Қимирлаган кир ошар, деганларидек, 2020 йилда бошланган китоб йиғиш ишлари натижасида бугун 4 минг доналик фондга эгамиз. У ердан сиёсий ва бадий адабиётлар, оила, саломатлик, тadbиркорлик ва бизнес йўналишидаги қўлланмалар, одоб-ахлоқ масалаларига оид ишланмалар ўрин олган. Бундан ташқари, ўқишга кириш ниятидаги абитуриентлар учун барча фанлардан тест тўпламлари мавжуд.

Тўғрисини айтсам, аҳолини китобхонликка жалб этиш осон кечмади. Бунинг учун турли тadbир ва мусобақалар ташкил этдик. Хусусан, “Буви-набира-китобхон” танлови шулар жумласидан. Бунда эртақ ва бадий асарлар асосида тузилган саволлар бўйича мусобақа ташкил этилади. Энг биланон китобхонларга яхши-яхши асарлар совға қиламиз.

Маҳаллада бундай беллашувларда иштирок этиш истагидигилар сони тобора ортиб бораётир. Кутубхонамизнинг шундоққина рўпарасида менинг бир рақобатдошим бор. У — гўзаллик салони. Кун бўйи кузатиб ўтирман, баъзи аёллар фақат ўзига оро бериб, ўша ердан қайтишади. Айримлари навбат кутиш асносида бирров кутубхонамизга мўралаб ўтади. Энг қувонарлиси, айнан китоб ўқиш учун бизнинг масканимизни танлайдиганлар ҳам бор.



Бундай рақобат муҳитида кўпроқ кишиларни маънавият ўчоғига жалб этиш учун турли усуллардан фойдаланаман. Айтайлик, деразадан кўриниб турсин, деб қишин-ёзин очилиб турадиган 80-90 дона хонаки гуллар парваришлайман. Одамлар орасида шунга ишқибоз бўлиб келадиганлар ҳам топилади. Айрим вақтлар гул сўраб келганларга битта китоб эвасига уни ҳада этаман.

Кутубхонамизга биринчи марта келган бошланғич синф ўқувчиларига кираверишга олиб қўйилган Президентнинг куйидаги гапларини ўқитаман. “**Битта китоб ўқиган бола ўнта телевизор кўрган болани бошқаради**”. Кейин жумлани шарҳлаб беришини сўрайман. Унинг мулоҳазаларини тинглагач, китоб ўқишнинг унинг келажаги учун нақадар катта аҳамият касб этишини ҳижжалаб тушунтираман.

Кўриб турибсиз, бизнинг гўшада зерикашга вақт йўқ. Ҳар куни ёшларни китобхонликка жалб қилиш учун янгидан-янги ғоялар устида ишлаймиз. Эришаётган ижобий натижаларимиз эса фақат бизники эмас, халқники, миллатники.



Меҳрия МИРЗАЕВА,
Вобкент туманидаги
“Сариосиё” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли,
“Шухрат” медали
соҳибаси

Бугунги маҳалла тушунчаси аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Энди унинг зиммасига юклатилган вазифалар кўлами анча залворли. Халққа ҳар жиҳатдан тиргак бўлиб, уларни қийнаган барча муаммоларга ечим топиш барида, ҳақиқий ишонч кўрғонига айланиш сари муҳим одимлар ташланмокда.

Маҳалла тизимидаги 15 йиллик фаолиятим давомида хотин-қизларнинг бахтли турмуш кечириши, рўзғорига қут-барака кириши учун астойдил меҳнат қилипман. Худудимизда аҳоли сони 3 минг 400 нафар, шундан 1 минг 723 нафарини аёллар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири билан қалбан яқин бўлишга ҳаракат қиламан. Кимнинг қандай мурожаати бўлса, бемалол ёнимга ёрдам сўраб келади.

Охириги етти йил ичида маҳалламизда хотин-қизлар ўртасида бирорта салбий ҳолат қайд этилмади. Беш йилдан буён оилавий ажралишлар сонини аввалгига нисбатан камайишига эришдик. Биргина хотин-қизлар бандлиги йўналишини олсак, 2024 йилда 150 да ортиқ ишсиз, хунар ўрганиш истагида бўлган хотин-қиз ўқув курсларида талаб юқори бўлган касбларга ўқитилди. Тикувчилик, қандо-

латчилик, аёллар сартарошлиги йўналишларини битирган аёлларнинг кўпчилиги хозирда ўз тadbиркорлик фаолиятини бошлаб, “Устоз-шоғирд” анъанаси асосида меҳнат қилиб келмокда.

“Маҳалла етилиги” тизими орқали муаммоларни маҳалладан ташқарига чиқармасдан ечим топиш имконияти яратилди. Бу билан ҳудудда ишсизлик, жиноятчилик ҳамда ажралишларнинг камайишига эришдик. Ўзаро ҳамкорликда ташкил этилаётган чора-тadbирлар кундан-кунга ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётир.

Хунарманд аёл Муҳаррам Қиёмовага ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан субсидия асосида 2 та тикув машинаси берилди. Шунингдек, унга вилоят хотин-қизлар тadbиркорлиги маркази ҳудудда тикувчилик йўналишида ўқув курси ташкил этишга кўмаклашди. Айни пайтда Муҳаррамнинг тикувчилик корхонасида машиналар сони 6 тага кўпайган. 8 нафар шоғирди хунарнинг нозик сирларини пухта эгаллаб келмокда.

Лайло Самиевага эса маҳалла тавсияси билан 100 миллион сўм имтиёзли кредит берилган. У ўғли ва укалари билан пластик эшик ва ромлар ишлаб чиқарадиган цех ташкил этган. Корхона қисқа муддат ичида етарлича миқозлар орттиришга улгурди. Даромади ҳам кун сайин ортиб бормокда.

Маҳаллада кадрятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларни яраштириш ва низоларни бартараф этиш бўйича “Оила-

вий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссияси”, “Оқила аёллар” ҳаракати ҳамда “Кексалар маслаҳат кенгаши” аъзолари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бирор хонадонда муаммо аниқланганда, аввало, ҳар икки томонни алоҳида эшитиб кўрамиз. Бундан ташқари, эр-хотинга маънан таъсир кўрсата оладиган яқин қариндошларини ҳам жалб этамиз. Кейин ҳамкорлар билан яраштириш жараёнларини бошлаймиз, натижада биринчи муҳокаманинг ўзида 80 фоиз оилаларни яраштиришга эришганмиз.

Оилавий масалада маҳаллага мурожаат этаётганлар аксарият ҳолларда муаммо жиддийлашиб кетганидан кейин келади. Бунинг олдини олиш мақсадида кўчаларга бириктирилган фаол аёллар қайси оилада жанжал бўлаётгани, келинлари аразлаб кетганими ёки қизлари келганими, дарҳол масъулларга билдирилиши билан оилага кириб бориб, муаммони ҳал этиш чоралари кўрилади.

Жорий йилги режаларимизга келсак, аввало, маҳалла ободлиги, хотин-қизлар бандлиги масалаларига алоҳида урғу беряпмиз. “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш, тadbиркорликни ривожлантириш мақсадида “маҳалла етилиги” билан ҳамкорликда 20 та микролойиха ташкил этишни режалаштирганмиз. Опа-сингилларимизни касб-хунарга ўқитиш мақсадида ҳудудда вилоят Хотин-қизлар тadbиркорлик маркази кўмаги билан ўқув курслари ташкил этишни режа қилганмиз.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ

Аёллар ёғоч қути тайёрлаб, даромад топишяпти

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ШЎРЧИ ТУМАНИДА АҲОЛИ БАНДЛИгини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш, фаровонлигини оширишга қаратилган давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. ТУМАНДАГИ БАРЧА МАҲАЛЛАЛАРДА ТОМОРҚАЧИЛИК, ИССИҚХОНАЧИЛИК, ЧОРВАЧИЛИК, ҚУЁНЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК, АСАЛАРИЧИЛИК КАБИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛАЁТГАН, ДАРОМАД ТОПАЁТГАН АЁЛЛАР АВВАЛГИ ЙИЛЛАРГА ҚАРАГАНДА ИККИ БАРАВАРГА КЎПАЙДИ.

Шўрчи туманидаги “Совжиронбобо” маҳалласида яшовчи Гулсоат Қунарованинг асл касби ўқитувчи. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда тadbиркорлик билан шуғулланаётган бу аёл бир неча хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришган. Кўли гул уста 5 йилдан буён оддий ёғочлар ёрдамида экспортбop махсулотлар учун хизмат қиладиган ёғоч қутиларни тайёрламакда. Бир кунда ўртача икки юз дона тайёр махсулот ясовчи тadbиркор фаолияти мактаса арзигулик.



—Тadbиркорлик билан шуғулланишга аввалдан қизиқиб юрдим, — дейди Гулсоат Қунарова. — Бунятимга 2021 йилда эришдим. Қути ясашни апрелда бошлаб, ноябрь ойида тугатамиз. Доймий 5 нафар, мавсумий эса 15 нафар аёлнинг бандлигини таъминлаб келяпмиз. Ёғоч қутиларни олма, шафтоли, лимон, нок, узум, ўрик мевалари учун таклиф ва бюортмага қараб етказиб берамиз. Мен билан бирга меҳнат қиладиган аёлларнинг кунлик даромади 150-200 минг сўмни ташкил этади. Аёллардан ташкил топган усталар гуруҳи ўз ишини яхши ўзлаштирган. Чаққонлик бора-сида уларга тенг келадигани йўқ. Қўли-қўлига тенгмай, кўпроқ натижага эришиш учун ошмади.


Албатта, бу дунёда ҳар биримиз тўқин яшаши хоҳлаймиз. Оила бекалари бўлган аёлларимиз фаровон ҳаёт кечирсам, турмушимда кам-кўстим бўлмаса, оилам тинч, рўзғорим обод бўлсин, деб орзу қилади, интилади. Ҳаракат қилган кишигина мақсадига эришади.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқликлари кафолатланади.

ТЕНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАНАДИ



Хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланиши кафолатланади.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

НОДИРБЕК
ЁҚУББОВ
шахмат
бўйича
Чехияда
ўтказилган
“Challengers”
турнирида
ғолиб бўлди.



ОКСАНА
ЧУСОВИТИНА
спорт
гимнастикаси
бўйича
Жаҳон кубоги
босқичида
таяниб сакраш
дастурида олтин
медални қўлга
киритди.



РАВШАН
ХАЙ-
ДАРОВ
Ўзбекис-
тон U-23
терма
жамоаси
бош му-
раббийи
этиб та-
йинланди.



8

№19 | 2025 йил 12 март, чоршанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ВОЛЕЙБОЛ

ЖИСМОНАН ТОБЛАЙДИ,
АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИ

Волейбол хавфсиз спорт тури бўлиб, саломатлик учун ҳеч қандай хатар туғдирмайди.

Бежизга волейбол “Махаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари туғрисида”ги Президент қарори асосида беш босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси” ўйинларидаги спорт йўналиши сифатида танлаб олинмаган.

Фаол дам олишга ҳамда соғломлаштиришга яхши восита. Мушак кучини ва ҳаракатчанлигини ривожлантиради, моддалар алмашинувини яхшилайдди, юрак қисқаришини пасайтиради, қон босимини меъёрга келтиради.

Кўриш қобилиятини, реакция тезлигини ва мўлжалга ола билишни ривожлантиради. Кун давомида тўпланиб

қолган руҳий зўриқиш ва чарчашнинг олдини олади. Тиникиб ухлашга ёрдам беради. Мунтазам равишда волейбол ўйнаш юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди, қон айланишини яхшилайдди. Нафас олиш тизимига ижобий таъсир қилади. Ҳаракатларнинг хилма-хиллиги ва юкнинг ўзгарувчанлиги сабабли таянч-ҳаракат тизимини мустаҳкамлайди. Кўз мушаклари машқ қилади, кўриш доирасини кенгайтиради. Асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади, кайфиятни яхшилайдди,



Баҳром ПАРДАЕВ,
Жисмоний тарбия
ва спорт бўйича
мутахассисларни қайта
тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти
ҳодими.

стресс ва депрессияга қарши курашда ёрдам беради.

Чакқонлик, аниқлик, ҳаракатчанлик ва мослашувчанликни тарбиялайди. Машғулотлар болалар ва катталарда меҳнатсеварлик, мардлик, матонат, тартиб-интизомни шакллантиради.

Бошқа жамоавий спорт турлари қатори кишида масъулият ҳиссини, жамоада ишлаш ва бошқаларга ишониш қобилиятини тарбиялайди.

Организмнинг кўплаб функцияларига ва ўйинчиларнинг шахсий сифатига самарали таъсир кўрсатади. Жумладан, ўйин асосидаги муҳим жисмоний машқлар: сакраш, зарба бериш, тезлашиш, кескин тўхташ кўникмалари тақомиллашади; жисмоний сифатлари ва интеллектуал қобилияти ривожланади.

Волейбол билан машғулотни шундай ташкил этиш зарурки, бу машқлар ўқишга, касб эгаллашга, соғлом бўлишга, самарали ишлашга, оилавий муаммоларни ҳал этишга ҳалал бермасин, балки кўмаклашсин. Шунда сиз соғлом ва ақлий етуқликка эришасиз.

ТАВСИЯ

БАҲОР ДАСТУРХОНИДА ДАРМОНЛАР БОРМИ?

Рамазон ойи баҳор фасли билан бирга келгани инсонлардан овқатланиш тартибига амал қилишни талаб этади. Чунки бу даврда организм витаминларга ташна бўлади.

Фазилат ИСМОИЛОВА,
Тошкент тиббиёт академияси ходими.

Баҳор фаслида тўйиб истеъмол қилинган маҳсулот йил давомида куч-қувват, дармон бағишлайди. Сахарлик ва ифторлик дастурхонимизда, шубҳасиз, сумалак, ҳалим ва кўкатлар бўлиши керак. Ҳўш, бу маҳсулотларнинг организмга қандай фойдаси бор?

Сумалак — кўкларнинг шифобахш анъанавий таоми бўлиб, қонни тозалайди, жисмни тетиклаштириб, куч-қувватни оширади. У қон босими, гепатит, буйрак, меъда-ичак хасталикларига яхши даво. Қон таркибини яхшилаб, меъда-ичак фаолиятини меъёрга келтиради, асабни тинчлантиради, яхши ухлатади.

Ҳалим — оқсилга жуда бой. Организмнинг касал-

ликларга қарши курашиш қобилияти ошади. Халқ табибатида ҳалим таркибидagi экстрактив моддалар меъда-ичак, марказий асаб тизими, мия, юрак фаолиятини яхшилашга ёрдам бериши исботланган.

Албатта, баҳорий кўкатлар истеъмоли жуда фойдали ҳисобланади. Уларнинг таркибидa турли хил витаминлар, оқсил, эфир мойлари, кислота-лар, темир, рух, фосфор, калий, кальций, магний каби элементлар ва бошқа биологик моддалар бор. Ялпиз, жағ-жағ, исмалоқ, отқулқулдан тайёрланган сомса, қучвара, мантининг сахарлик таомномасида бўлиши қувватингизни оширади. Ифторлик дастурхонига эса шивит, кашничи, редиска, кўкпиёз солинган қатиқ тавсия этилади. Гулқарам, бодринг, помидор қўшилган салатлар фойдали.



САЛОМАТЛИК

Баҳор фаслида организм жуда заифлашган бўлади. Шу боис турли касалликларга чалиниш осон. Инсон бу каби хатарлардан ҳимояланиш учун бир қатор тиббий маслаҳатларга риоя этиши керак.

ТАНАНГИЗ ТОЗА, КИЙИМИНГИЗ ОЗОДА БЎЛСИН!



Биринчи навбатда овқатланиш тартиби бўлса, кейинги ўринда шахсий гигиенага амал қилиш туради. Бу — турли касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Сайёра МУЛЛАЕВА,
Саломатлик ва стратегик
ривожланиш институти бош
мутахассиси.

Кийим қулай, об-ҳавога мос, табиий матодан бўлиши керак. Уни тоза тутиш ва тез-тез алмаштириш. Ички кийим тананга ёқимли, юмшоқ газламалардан тикилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Тез-тез ювиши, дазмоланиши лозим.

Кўллар гавданинг энг кўп кир бўладиган қисми, шунинг учун кўлни доимо совун билан ювинг.

Тирноқни доим калта қилиб олиб юринг.

Тишларни ҳар кун икки маҳал, яъни эрталаб ва кечқурун тозаланг. Овқатланишдан сўнг, албатта, оғизни сув билан чайканг! Жуда иссиқ ва ўта совуқ ҳароратдаги овқат ва ичимликлардан тишларни асранг!

Соч гигиенасида ўз тароқ ва сочиғингиз бўлсин! Офтобда, совуқда узоқ вақт бош кийимсиз юрманг! Пала-партиш овқатланиш, тўйиб ухламаслик, танани толиқтириш сочларнинг қуриши, синиши ва тўкилишига сабаб бўлади.

Ҳар кун душ қабул қилиб, оёқларни илқ сувда ювинг. Оёқ ювилганидан сўнг тагини, айниқса, бармоқлар орасини қуришнинг. Ҳафтада икки марта чўмилиш. Пахта матосидан тайёрланган ички кийимлардан фойдаланиш. Тор пойабзал ва синтетик пайпоқ кийманг, чунки улар замбуруғ касаллигига сабаб бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Элдорбек БҮРИЕВ.
Ўзбекистон тумани:

— Озиқ-овқат дўконидa ишлайман. Баъзида маҳсулотнинг мuddати ўтиб қолади. Шунда уларни ўзим текшириб, еб кўраман. Орасида истеъмолга яроқли, сифати бузилмагани ҳам учрайди. Шундай маҳсулотни сотиш жоизми?

МУДДАТИ ЎТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ЖОИЗМИ?

Ўзбекистон муслмонлари
идораси Фатво маркази:

— Вақти ўтган маҳсулотларни сотиш жоиз эмас. Ҳар бир соҳани ўз мутахассисларига мурожаат қилинади. Ўша маҳсулотларнинг фойдаланиш мuddатини мутахассислар ўрганиб, белгилаб беришган. Шунинг учун унга амал қилиш мажбурий. Агар маҳсулотнинг фойдаланиш мuddатини ҳамма ўзи белгилай бошласа, мuddати ўтган маҳсулот бўлмайди, ҳисоб. Бунинг ортида одамларга қатта зарар келади. Динимизда “Зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ”, деган асос қоида бор. Шунини билиш керакки, ҳар қандай моддий фойда инсон ҳаётидан устун эмас.

Инсон ҳаёти учун зарарли нарсани ташлаб юбориш исроф бўлмайди. Бизга баъзи мuddати ўтган маҳсулотлар яроқлига ўхшаб кўриниши масаланинг ҳукмини ўзгартирмайди. Агар ўша маҳсулотларни бошқа мақсадларда фойдаланиш, масалан ҳайвонларнинг озуқасига қўиши имкони бўлса, шундай қилиш мумкин.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уошмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдуллазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буёқ Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчам — 380x587, 4 б.т.
9 200 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.